

Аввалги ва кейинги гуноҳларингиз кечирилишини истайсизми?



09:00 / 19.07.2021 3011

Муъоз ибн Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким таом еса-ю, кейин: «Шу таомни менинг куч-қувватимсиз менга таом қилиб, ризқ қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин» деса, унинг аввалги ва (кейинги) гуноҳлари мағфират қилинмай. Ким либос кийса-ю, кейин: «Шу (либос)ни менинг куч-қувватимсиз менга кийдириб, ризқ қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин» деса, унинг аввалги ва кейинги гуноҳлари мағфират қилинмай» дедилар». Абу Довуд ривоят қилганлар. Уламолардан баъзиси «Ҳадисдаги «кейинги» сўзини зиёда қилинмаса, ҳадиснинг ҳукми ҳасан» деган.

Таом егандаги дуонинг ўқилиши: «Алҳамдулиллаҳиллазий атъаманий ҳазат тоама ва розақонийҳи мин ғойри ҳавлим минний ва лаа қувваҳ»

Либос кийгандаги дуонинг ўқилиши: “Алҳамдулиллаҳиллазий касааний ҳазас савба ва розақонийҳи мин ғойри ҳавлим минний ва лаа қувваҳ”

Буни қаранг, Ислом динимизнинг улуғлигини қаранг!

Таомни сиз ейсиз, сизнинг қорнингиз тўяди, таомни еб бўлгандан сўнг ушбу ҳадисдаги дуони ўқисангиз, Аллоҳ таолонинг фазли билан, аввалги ва кейинги гуноҳларингиз кечирилади.

Либосни сиз киясиз, сиз зийнатланасиз, либосни кийгандан сўнг ушбу ҳадисдаги дуони ўқисангиз, Аллоҳ таолонинг фазли билан, аввалги ва кейинги гуноҳларингиз кечирилади.

Барчамиз гуноҳларимиз кечирилишини хоҳлаймиз. Ҳадисдаги дуо орқали мағфиратга эришамиз, инша Аллоҳ.

Кўпчилигимиз ушбу дуони биламиз, билмаганлар ёдлаб олсалар ва овқатлангандан, либос кийгандан сўнг шу дуони ихлос билан айтиб дуо қилсалар, инша Аллоҳ, аввалги ва кейинги гуноҳлари мағфират қилинади.

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади